

## ГЎШТ ВА СУТ БОЗОРИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

С.Адилов,

*Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар  
халқаро маркази мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада қорамолчилик маҳсулотлари етиштириши, уни қайта ишлаш ва сотиш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш масаласи таҳлил қилинган. Қўйилган муаммо республика шароитида гўшт ва сут маҳсулотлари асосан деҳқон ва томорқа хўжаликлариде етиштирилишини инобатга олган ҳолда ёритилган. Ўрганишлар асосида қорамолчилик маҳсулотлари бозориде хизматлар кўрсатиши сифати ва самарадорлигини ошириши юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.*

Одатда қорамолчилик тармоғи “сут йўналишида”, “гўшт ва сут йўналишида” ҳамда “гўшт йўналишида” (ихтисослашув йўналишлари) фаолият кўрсатади. Улар қорамолларни сақлаш (1), парваришлаш (2), қорамолчилик маҳсулотлари етиштириш (3) ҳамда тармоқда етиштирилган товар аҳамиятидаги маҳсулотларни бозорга тақдим қилиш (4) тадбирлари билан бевосита шуғулланади. Демак, тилга олинган қорамолчилик йўналишлари ва шунингдек, тармоқ фаолияти учун талаб қилинадиган 4 та гуруҳдаги тадбирлар ҳам ўзига хос бўлган ва умумий бўлган ресурслар ва сервис хизматларини талаб қилади.

Айни пайтда санаб ўтилган 4 та технологик-иқтисодий тадбирлар қорамолчилик тармоғининг маҳсулот етиштириш бўйича ихтисослашув йўналишлари доирасида ўзгариб боровчи ёки ўхшаш хусусиятларга эга. Яъни, ихтисослашув йўналишлари турли ресурслар (сифати, таркиби ва бозор баҳоси жиҳатидан), ва сервис хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади.

Қорамолчиликда барча ихтисослашув йўналишлари учун муҳим ва умумий бўлган ресурслардан бири озуқа ва озуқа базаси бўлса-да, ҳар бир йўналишда озуқа таркиби, миқдори, озиқлантириш рационали бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Худди шундай қорамолчилик тармоғига сервис хизматлари кўрсатиш тизими ва хизматлар таркибида ҳам фарқлар мавжуд. Масалан, ветеринария хизматлари барча ихтисослашув йўналишлари учун умумий ва зарур бўлса-да, хизматлар турлари касалликлар йўналишига қараб ўзгариб боради. Хусусан, сут йўналишидаги қорамолчиликда кенг тарқалган ва хўжаликларга сезиларли даражада иқтисодий зарар келтиривчи сигирлар елин мастити касаллиги, гўшт йўналишидаги қорамолчиликда кузатилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қорамолчилик хўжаликларнинг ихтисослашув йўналишларига мутаносиб равишда сервис хизматлари кўрсатиш (субъектлари) йўналишларини ҳам ривожлантириш зарур.

Демак, қорамолчилик соҳасида сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг қатор хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятларни қуйидагича изоҳлаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Қорамолчилик тармоғига сервис хизмати кўрсатиш соҳаси маслаҳатларига бозор талаби шаклланиши хусусиятлари<sup>1</sup>**

Юқорида тилга олинган қорамолчилик тармоғига сервис хизматлари кўрсатиш соҳаси маслаҳатларига бозор талаби шаклланиши хусусиятларини инобатга олган ҳолда хизматларни шакллантириш, хизмат кўрсатиш тизими иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Ушбу хусусиятларни инобатга олган ҳолда, қорамолчилик тармоғига хизматлар кўратиш соҳалари субъектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш, чорвачилик хўжаликларига омихта емлар етказиб бериш, ем-хашак экинлари майдонлари ажратиш, наслчилик тизими фаолиятини яхшилаш, хусусан, сунъий уруғлантириш билан шуғулланувчи субъектларни ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида аниқ комплекс чора-тадбирларни мунтзам амалга ошириб бориш лозим.

Бугунги кунда республикада фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларига чорва мол бош сони кўпайтириш, хўжаликларни зотдор, юқори маҳсулдор чорва моллари билан, сифатли омихта ем билан таъминлаш масалалари нафақат чорвачилик соҳасини ривожлантириш билан балки, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, оилалар даромадини кўпайтириш, қишлоқ ҳудудларида ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, мустақиллик йилларида чорвачилик соҳасини ривожлантириш билани боғлиқ ҳолда амалга оширилган тадбирларда асосий эътибор қаратилган масалалардан бири бу деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлик даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда ички бозорни чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинтириш масаласи эди.

<sup>1</sup>Manba: Muallifning tadqiqotlari asosida ishlab chiqilgan.

Тўғри, чорвачилик тармоғи учун ҳудудларда омихта емлар сотиш шахобчалари сонини кўпайтириш, хизматлар кўламини кенгайтириш, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларига зооветеринария хизмати кўрсатиш йўналишида хусусий субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш масалалари ҳам эътиборда бўлди, аммо асосий эътибор чорва моллари бош сонини оширига қаратилади.

Аммо чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатиш соҳаларини фаолиятини бозор талабига мослаштириш масаласи ҳал этилмаслиги, ташкил қилинган хизмат кўрсатиш шахобчаларининг ишлаш самарадорлигини кутилганидек таъминламади. Натижада соҳага хизмат кўрсатиш сифати ва кўлами талабларга жавоб бермайди, зооветеринария пунктлари самарали ишлаши учун шароитларни яхшилаш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Айни пайтда чорвачилик тармоғи учун ем-хашак етиштириш учун экин экинлари майдонлари миқдорини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш субъектларини ривожлантириш, хўжаликларда сут ва гўштни қайта ишлаш соҳаси мини технология ва унга мос ускуналар импорти, маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш талабга жавоб бермайди.

Ташкил қилинган ва ҳозирда ҳудудларда фаолият юритаётган кўпчилик зооветеринария шахобчалари ўз-ўзини молиялаштириш тизимида самарали фаолият юрита оламаётгани, кредиторлик қарздорлиги ортиб бориши натижасида, фаолияти учун зарур бино, замонавий асбоб-ускуналар, электр энергияси, алоқа воситалари билан барқарор таъминлаш ва энг муҳими малакали мутахассисларни хизмат кўрсатиш тизимига жалб қилиш имкони чекланишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам қорамолчилик тармоғига малакали хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш учун қуйидаги муммоларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қорамолчилик тармоғига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда ҳудудий ёндашиш тамойилига амал қилиш лозим. Бунда, қорамолчилик маҳсулотлари йетиштирувчи хўжаликлар ихтисослашуви, бозорларга узоқ-яқинлиги, ҳудудлар иқлим шароити, ем-хашак экинни майдонлари миқдори, озуқа таъминоти даражаси хизматларга бўлган талаб миқдорига ва таркибига таъсир қилиши эътиборга олинади;

- қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар жойлашган ҳудудлар ўлчами, географик жойлашуви юзасидан маҳсулот йетиштирувчи хўжаликларга нисбатан хизмат кўрсатиш шахобчалари турли масофаларда фаолият юритишади. Айни пайтда, ихтисослашув даражасига боғлиқ ҳолда битта хизмат кўрсатувчи шахобчага тўғри келадиган қорамоллар ва хўжаликлари сони ҳам турлича. Бу эса хизмат кўрсатишда масофа ва иқтисодий самарадорлик жиҳатидан номутаносиб пайдо қилади. Шу боис, хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этишда ҳудудий жойлашув ва масофа қулайлиги масаласини инобатга олишни талаб этади;

- қорамолчилик хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар сифати кўп жиҳатдан инфратузилма объектлари моддий-техник воситалар ва малакали мутахассислар билан таъминлигига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида хизмат кўрсатиш субъектларининг молиявий аҳволи билан бевосита боғлиқ. Шу боис хизмат соҳаси фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини амалга оширишни тақозо қилади;

- республикада бугунги кунда минерал ўғит ва нефт маҳсулотлари харид қилиш биржа савдолари асосида амалга оширилади. Аммо, бу тизим гўшт ва сут етиштирувчи деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун жуда ноқулай бўлиб, бунга маҳсулот олиш ҳажмининг кичиклиги, масофлар узоқлиги, нефт маҳсулотларини сотиб олишдаги рақамли тизимини ўзлаштириш ишларидаги кўникмалар етишмаслиги асосий тўсиқ бўлмоқда.

Шунингдек, кичик ҳажмда ишлаб чиқариш ва майдонга эга деҳқон ва томорқа хўжаликлари кичик ҳажмдаги ресурсни сотиб олиш ва олиб кетишига тўғри келади. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлар ўртасида номуносибликни юзага келтиради.

Шу боисдан ушбу соҳада деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан (хўжаликлар қишлоқ ва маҳалла бирлашмалари, кооперативлари) уюшган ҳолда фаолият юритиш тузилмаларни ташкил қилишни рағбатлантириш мақадга мувофиқ.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирда қорамолчилик яхши ривожланган ҳудудлардан ташқари, аҳоли зич яшайдиган, мол боқиш имкони чекланган суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида ҳам деҳқон ва томорқа хўжаликларида сигирлар сут етиштириш учун парваришланади. Шунинг учун ҳам деҳқон ва томорқа хўжалиklarини чорвачилик соҳасидаги янгиликлар билан таништириб бориш, уларга чорва моллари касалликлари, парваришlash усуллари, сигирларни сунъий уруғлантириш, озиклантириш йўналишлари бўйича энг зарур билимлар, ахборот етказиб бериш муҳим аҳамият касб қилади. Чунки ҳажми жиҳатидан жуда кичик, амалда битта, иккита сигир парвариш қиладиган ушбу хўжаликлар зиммасига бугунги кунда мамлакатда етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи тўғри келмоқда.

Шунинг учун ҳам деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг чорва молларини паравишlash, моллар наслини яхшилаб бориш, маҳсулдорликни ошириш ва сифатини яхшилаш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш учун – бизнес мактаблар, ҳудудий АКИС марказлари билан биргаликда, алоҳида малака ошириш субъектларини ҳам ташкил этиш лозим.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга турли хизматлар кўрсатиш борасида синаб кўрилган экспериментлар натижалари, бугунги кунда агрохизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тизим таҳлиллари, ютуқ ва камчиликларини инобатга олган ҳолда, муқобил сифатида, чорвачилик ҳудудларида маҳаллалар, қишлоқлар кесимида фаолият олиб борувчи, кўчма ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш лозим (2-расм).



**2-расм. Оилавий асосдаги сут ва гўшт етиштирувчи деҳқон ва томорқа хўжаликларида муқобил малака ошириш кўчма курслар фаолияти<sup>2</sup>**

Мазкур кўчма ўқув курсларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - қишлоқлар ва маҳаллар кесимида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон, томорқа хўжаликлари вакилларининг чорва молларини парваришлаш ва маҳсулотлари етиштириш борасидаги билимлар, сўнгги янгиликлар, билан таништириш, реал муаммоларини амалий ҳал этиш, малакали маслаҳатлар бериш ҳисобланади.

Курсларда чорва моллари наслини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар, чорва молларини озиклантириш борасидаги амалий илм-фан исбот қилган меъёрлар ва таклифлар асосида чорвадорларнинг билим ва кўникмалари оширилади. Ресурслар харид қилиш, зооветеринария маслаҳатлари ва касалликларга қарши кураш ҳамда даволаш ишлари юзасидан амалий ёрдам олиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилади.

<sup>2</sup> Manba: Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Мазкур курсларни ташкил қилишнинг объектив зарурати шундаки, суғориладиган деҳқончилик ва молларни ҳайдаб боқиш имкониятлари кечланган ҳудудларда деҳқон ва томорқа хўжаликлари асосий чорвачилик маҳсулотлари йетиштирувчи субъект ҳисобланиши билан бирга ташкилий жиҳатдан тарқоқ фаолият юритишади. Ўқув курсларини одатда вилоят ва туманлар марказларларида ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бирон-бир идоравий мансублик ёки бошқа жиҳатлар асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари вакилларини ўқув курсларига жалб анча мураккаб.

Ўқув курсларини ташкил этишда вилоят ва туман ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги бўлимлари; вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармалари, уларнинг туман бўлимлари; Агробанк ҳудудий бўлинмалари, ҳудудлардаги тегишли маҳаллалар раислари масъулиятни зиммасига олиши лозим. Чунки ўқув курслари асосан деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун ташкил қилинаётган бўлсада, бундан биринчи навбатда жамият манфаатдор.

Ўқув курсларини ўтказиш даври мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари даврига тўғри келмасдан, ишлаб чиқаришида маълум танаффуслар бўладиган (кеч куз, қиш ва эрта баҳор даврида) даврларига тўғри келиши мақсадга мувофиқ. Курсларда чорва моллари парвариш қиладиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари вакиллари иштироки, шунингдек, тармоққа хизмат кўрсатувчи, сут ва гўштни қайта ишлаш тузилмалари иштироки ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўқув курсида маърузалар ўқиш учун лекторлар сафига чорвачилик соҳасида тегишли назарий ва амалий билимларга, тажрибага эга бўлган, вилоятлардаги Олий қўв юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари, зооветеринария мутахассислари, илғор чорвадорлар жалб қилинади. Шунингдек, тажрибали чорвадор, деҳқонларнинг кўгазмали чиқишлари ташкил этилиши курсларнинг амалий аҳамиятини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳалари фаолияти иқтисодий самарадорлиги нафақат хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш билан балки, қорамолчилик тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ҳам бозор талаби асосида ташкил этишга боғлиқ.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида” 1990 йил 10 майдаги ПФ-5-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1993 йил 15 мартдаги 137-сон қарори.